



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИ ОЛДИДА ҲИСОБОТ УЧРАШУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

**Баҳромжон Бахтиёрович Турғунбаев**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти ўқитувчиси,  
подполковник*

**Аннотация:** Ушбу мақола профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини жорий этиш, авваламбор жамоатчилик фикри, уларнинг фаолияти натижаларидан фуқароларнинг қаноатланиши ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик даражасини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифасиларидан иборатдир.

**Калит сўзлар:** аҳоли, ҳисобот, учрашув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, фуқаро, жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик, оила, зўравонлик.

**Аннотация:** В данной статье поставлены важнейшие задачи Министерства внутренних дел Республики Узбекистан и его территориальных подразделений по внедрению эффективных критериев оценки эффективности работы инспекторов-профилактиков, в первую очередь по учету общественного мнения, удовлетворенности граждан результатами своей деятельности, уровня сотрудничества с населением.

**Ключевые слова:** население, отчет, собрание, профилактика преступности, инспектор по профилактике, гражданин, ответственность, преступление, семья, насилие.

**Abstract:** This article discusses the most important tasks of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan and its territorial divisions, including the introduction of effective criteria for assessing the effectiveness of preventive inspectors, primarily taking into account public opinion, citizens' satisfaction with the results of their activities, and the level of cooperation with the population.

**Keywords:** public safety, place, neighborhood, neighborhood, citizen, youth, women, crime, family, category.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон, 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорлари ҳамда 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар



вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультети тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 209-сон буйруқларига мувофиқ, ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини амалга ошириш ва ички ишлар органларига хизматга янги қабул қилинган ходимларни тизимли равишда махсус касбий тайёргарликдан ўтказишни назарда тутди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуйи поғоналари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартибини ўрнатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш ва чегаралаш, профилактика инспекторлари зиммасига улар фаолиятига хос бўлмаган функциялар юклатилишига йўл қўймаслик; профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш; вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш; профилактика инспекторларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш иборат.

Ҳар қандай фаолият натижаси таҳлил этилиши ва белгиланган вазифаларнинг бажарилганлиги ўрганилиши шарт. Мазкур йўналишдаги таҳлилий ишлар ўз навбатида юқори турувчи органларга тақдим этиб борилиши лозим. Ўз навбатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу таҳлил ишлари ҳисобдорликни белгилаб беради.

Профилактика инспектори ҳам жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида амалга оширган ишларини мунтазам таҳлил этиб бориши ва натижалари юзасидан раҳбарлари, шу билан бирга “шаффофлик” ва “ошкоралик” принципи асосида фуқароларга тақдим этиб бориши лозим. Бунда улар асосан фуқароларнинг саволларига жавоб бериши, учрашувларда ҳудуддаги криминоген вазият ёки содир этилган жиноятлар, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар ҳақида ҳисобот бериши лозим.

Профилактикаси инспекторлари юқори турувчи раҳбарларга асосан ёзма равишда ҳисобот тақдим этади, айрим вазиятларда эса бирор бир ҳолат, воқеа-ҳодиса юзасидан оғзаки маълумотлар бериши мумкин.

Айрим ҳолатларда профилактика инспекторлари кунлик амалга оширган ишлари ёки воқеа-ҳодиса юзасидан билдирги орқали ёзма равишда маълумот тақдим этиши ҳам унинг ҳисобдорлиги сирасига киради.



Шундай ҳолатлар борки, профилактика инспектори фуқароларнинг саволларига жавоб бериши, учрашувларда ҳудуддаги криминоген вазият ёки содир этилган жиноятлар, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларни етказиши мумкин. Албатта маълумотлар аниқ фактларга асосланган, таҳлил этилган бўлиши лозим.

Профилактика инспекторининг муайян вақт давомида ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширган ишлари натижалари юзасидан раҳбариятга ёки кенг жамоатчилик олдида ёзма ёки оғзаки равишда ҳисобот бериш фаолиятининг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2896-сон қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш юзасидан алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Шу билан бирга ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини қуйидаги йўналишлар бўйича ошириш кўрсатиб ўтилган:

- барча даражалардаги бўлинмаларнинг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, профилактика инспекторларига хос бўлмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймаслик;

- ишни аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашнинг таъсирчан тизимини яратиш;

- таянч пунктлари жойлашувини ҳудуддаги криминоген вазият, аҳоли сони ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғинида ҳисобот бериши унинг фаолиятининг натижаларини кўрсатиб беради ва ўз навбатида самарадорлигини баҳолашнинг мезонларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармонида бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдосининг кучайиб бориши ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўйиши кўрсатиб ўтилди ва мавжуд муаммо ва камчиликлар келтириб, уларнинг бартараф этиш йўналишлари белгиланди, жумладан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаётганлиги кўрсатилиб, бу камчиликни бартараф этиш учун ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги

2896-сонли Қарорида профилактика инспекторларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шу жумладан ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш вазифаси қатъий белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида, бевосита Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида маҳаллалар, энг олис, чекка қишлоқ ва овулларда ҳам халқ билан ишлайдиган унинг дарду ғамига ҳамдард, қувонч – ташвишига шерик бўлишга, ҳамнафас бўлишга маънавий жиҳатдан қодир профилактика инспекторлари фаолият кўрсатиши йўлга қўйилди.

Профилактика инспекторлари олдида қўйилган вазифаларни самарали бажаришларида фуқаролар билан баҳамжиҳат ишлаши ва мунтазам уларнинг муаммоларини ўрганиши, яқиндан ёрдам бериши фуқароларнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини янада оширади. Бу мақсадда профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари мажлисида аҳоли ўртасида ўтказадиган ҳар ойда унинг яқунлари бўйича ҳисобот бериш фаолиятининг ўрни беқиёсдир.

Бу жараён профилактика инспекторлари жамоатчилик билан ҳамкорлигининг алоҳида механизми бўлиб, ҳудуддаги криминоген вазият, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар, уларнинг сабаб ва шарт-



шароитлари, бу соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг жамият ривожига, тинчлик ва осойишталикка салбий таъсири борасидаги маълумотлар етказиб берилди.

Муқаддам профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериб бориш фаолияти фақатгина Ички ишлар вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида амалга оширилиши белгиланган эди, охирги ислоҳотлар жараёнида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Умуман олганда, бутун аҳоли ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси объекти ҳисобланиб, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун аҳоли ўртасида мустақиллик моҳиятига, инсон ҳуқуқларига, экстремизм ва терроризмга оид тушунчаларига, шунингдек вояга етмаганлар ҳамда ёшлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича, одам савдоси ва ноқонуний йўл билан хорижга чиқиб кетишнинг, алкогольни истеъмол қилиш ва гиёҳвандликнинг оқибатлари тўғрисидаги каби маърузалар, давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар орқали ҳуқуқий тарғибот ва ҳисобот учрашувлари тўғрисидаги маълумотлар профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатига таъсир қилувчи ахборотлар ҳисобланади.

Шунингдек, ҳар бир профилактика инспектори тартибдаги профилактик чора-тадбирларни манзилли (муайян шахсга нисбатан), ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик таснифи, тури ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни юритади.

Шу билан бирга, ҳар ойда ўтказилган профилактик суҳбатлар, расмий огоҳлантиришлар, амалга оширилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика юзасидан маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади, маълумот ва ҳисоботлар тайёрлаб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматида тақдим этиб боради;

Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилди ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида профилактика инспектори аҳолини ҳудуддаги вазият ва қилинган ишлар ҳақида хабардор қилиш, шунингдек



фаолиятига жамоатчиликнинг фикрини ўрганиб, улар томонидан билдириб ўтилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, бартараф этиш чораларини кўриш имконини яратади.

Хусусан, профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериб бориш фаолиятининг қуйидаги мақсадлари мавжуд:

- профилактика инспекторларининг фуқаролар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг фаоллигини ошириш;
- профилактика инспекторларининг фаолиятига баҳо бериш;
- профилактика инспекторлари фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- келгусида профилактик ишларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;
- профилактика инспекторларининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида самарадорлика эришиш.

Ҳисобот бериш жараёнида ҳудуддаги криминоген вазиятнинг ўзига хос хусусияти ва уни барқарорлаштиришда кенг жамоатчиликнинг ролини муҳимлиги тушунтириб ўтилиши мумкин ва бу орқали ҳуқуқбузарлик профилактикасида жамоатчиликнинг фаоллигини оширади.

Шунингдек, ҳисобот бериш жараёнида профилактика инспекторининг фаолияти самарадорлиги қуйидаги йўналишлар бўйича баҳоланиши мумкин:

- 1) ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг самарали ташкил этилиши ва унинг натижалари;
- 2) ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг камайганлиги;
- 3) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилганлиги;
- 4) профилактика хизмати ходимлари ва профилактика инспекторларига вазифаларни тўғри тақсимланиши;
- 5) давлат органлари, жамоат тузилмалари ва ҳамкорликдаги ишларни етарли даражада ташкил этилганлиги;
- 6) жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилганлиги;
- 7) таянч пунктларининг иш фаолиятининг тўғри ташкил этилганлиги, уларда амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги;



8) илгари судланган ва бошқа тоифадаги шахслар билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларнинг ташкил этилиши натижасида улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг кескин камайганлиги;

9) корхона, муассаса ва ташкилотлар, вояга етмаганлар жамоаларида амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги;

10) профилактика хизмати ходимларининг қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда улар томонидан интизом бузилиши ҳолатлари ва бошқалар.

Жамиятда қайси соҳа бўлмасин унинг фаолияти таҳлил этилмаса, ундаги муаммо ва камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилмаса, соҳани ривожлантириб бўлмайди ва натижада фаолиятида унум бўлмайди. Шу муносабат билан бугунги кунда ички ишлар органлари тизимларида раҳбар ходимларнинг ҳамда профилактика инспекторларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш тизими яратилди.

Профилактика (катта) инспекторининг амалга оширган ишлари бўйича аҳоли олдидаги ҳисобот учрашувини ташкил этиш тартиби ИИВнинг

193-сонли буйруғида белгилаб берилган қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказилади.

Профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғини мажлисларида ҳар ой якуни бўйича ойда ҳисобот бериб бориши туман (шаҳар) ИИОПФБ ХП томонидан ишлаб чиқилган ва ИИОПФБ бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвал асосида ташкил қилинади. Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш куни фуқаролар йиғини кенгаши томонидан ушуб ҳудудга масъул этиб бириктирилган ИИОПФБ раҳбар ходими билан келишилган ҳолда белгиланади. Йиғин ўтказилишидан уч кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинининг кўринарли жойига эълон осиб қўйилади.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғин фуқаролар йиғини раиси томонидан олиб борилади. Йиғин баённомаси фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, ИИОПФБнинг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбар томонидан имзоланади.

Профилактика инспекторларининг ҳисобот бериш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари вакиллари, маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар, шунингдек, ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбарлардан бири иштироқи таъминланиши керак.

Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

- вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этилиши ва уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этилиши, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, турли салбий



ижтимоий иллатлардан асраш (диний экстремизм, гиёҳвандлик ва бошқалар) борасида ташкил этилган ишлар ҳақида;

- фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг шакллантириш ва ушбу йўналишда ҳамкорликдаги ишларни ташкил этилганлиги даражаси ҳақида;

- туман (шаҳар) ИИОПФБ миқёсида ўтказилган тадбирларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида;

- ИИОлари таянч пункти маъмурий ҳудудида ҳисобот даври давомида жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида;

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, хусусан аҳоли ўртасида ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ишлари, ўтказилган учрашувлар ҳақида;

- маъмурий ҳудудда ўтказилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари, жумладан илгари судланган шахслар ва вояга етмаганлар, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлган беморлар билан амалга оширилган махсус тадбирлар ҳақида;

- ҳуқуқбузарлик содир этган ва унга мойил шахслар билан амалга оширилган яқка тартибдаги профилактик тадбирлар ҳақида;

- виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича, жумладан жиноятдан жабрланган шахслар аниқланганлиги ва уларга ижтимоий реабилитация ва мослаштириш чоралари кўрилганлиги, жабрланувчи бўлиб қолишга мойил шахслар, хусусан вояга етмаганлар, қариялар ва ёлғиз яшовчилар билан тушунтириш ишлари ҳақида;

- маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва кўриб чиқиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида;

- Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси асосида профилактик ҳисобга олинган шахслар ва улар билан амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳақида;

- яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахсларни аниқлаш ва уларни қайтариш, шунингдек мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолати, шундан қанча жиноятга оид, қанча маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ариза ва шикоятлар кўриб чиқилганлиги, улар бўйича қандай қарорлар қабул қилинганлиги ва уларни ҳал этилиш ҳолати бўйича маълумотлар ҳақида;

- ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича соҳавий хизмат ходимлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида;



- аҳоли яшаш пунктларида фуқароларнинг, корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдор шахсларнинг паспорт-виза қоидаларига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар яшаётган жойларда уларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш тадбирларини ташкил этилганлиги ва аниқланган ҳуқуқбузарлар ҳамда уларга кўрилган чоралар ҳақида;

- маъмурий ҳудудда назорат-лицензия фаолияти, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилган назорат ишлари ва уларнинг натижалари ҳақида;

- маъмурий ҳудудда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларнинг очилиши даражаси ҳақида ҳисобот беради.

Профилактика инспекторининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши муайян сабабларга кўра мумкин бўлмай қолган ҳолларда ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ИИО раҳбари фуқаролар йиғини раиси билан келишган ҳолда ҳисобот бериш учун бошқа кунни белгилайди.

Профилактика инспектори лавозимига янги тайинланган бўлса, ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ИИО раҳбари фуқаролар йиғини раиси иштирокида жамоатчиликка таништиради.

Профилактика инспекторининг ой давомида амалга оширган фаолиятига аҳоли томонидан ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси томонидан ҳар бир кўчалар, кўп қаватли уйлардан вакиллар иштирокини таъминлаши лозим.

Профилактика инспекторининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ва туман ИИОПФБ раҳбариятига тақдим этилади.

Профилактика инспекторининг фаолиятига бериладиган баҳо фуқаролар йиғини мажлиси қарори билан белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки профилактика инспектори ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш; профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини жорий этиш, бунда, биринчи навбатда жамоатчилик фикри, уларнинг фаолияти натижаларидан фуқароларнинг қаноатланиши ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик даражасини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланади.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.
3. 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори.
4. 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори.